



«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ўзбек геология қидирув» АЖ
кузатув кенгашининг
2025 йил «01» декабрдаги
20-2025-сон қарори билан

"Ўзбек геология қидирув" АЖ вакилларининг бошқа корхоналар бошқарув органларида овоз бериши ТАРТИБИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонунлари, Корпоратив бошқарув кодекси, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия мажлисининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган "Ўзбек геология қидирув" АЖ (кейинги ўринларда Жамият деб аталади) акциядор (иштирокчи) бўлган корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакиллари номидан овоз бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

акциялар пакети (улуши) - хўжалик жамиятларида мулк ҳуқуқи асосида Жамиятга тегишли бўлган акциялар (улуш);

Жамият вакили - акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишида Жамият томонидан бериладиган ишончнома бўйича Жамият манфаатларини ифода этувчи ёки Жамиятнинг таклифига кўра кузатув кенгаши таркибига киритилган, олий маълумотли, камида 2 йиллик иш стажига эга бўлган Жамият ходими ёки бошқа жисмоний шахс.

3. Агар хўжалик жамиятининг кузатув кенгаши таркибига Жамиятнинг икки ва ундан ортиқ вакили киритилган бўлса, мазкур Тартибда назарда тутилган масалалар бўйича овоз бериш тартибини олдиндан келишиш асосан Жамият ходими томонидан амалга оширилади.

Жамият вакили қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Жамият бошқаруви раисининг ёки бошқарув раиси ўринбосарларининг кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилади.

4. Хўжалик жамиятларида акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишида Жамият манфаатларини ифодалашда Жамият бошқаруви раисининг ўринбосарларига кўрсатма талаб қилинмайди.

II. Жамият билан олдиндан келишилиши лозим бўлган масалалар

5. Қуйидаги масалалар олдиндан келишиб олинади:

хўжалик жамиятининг уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки уставни янги тахрирда тасдиқлаш;

хўжалик жамияти устав капитали миқдорининг ўзгариши;

хўжалик жамияти фаолиятининг асосий йўналишларини ўзгартириш;

хўжалик жамиятининг ижро этувчи органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;

йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш;

хўжалик жамиятининг бошқа хўжалик жамиятларида иштирок этиши;

хўжалик жамиятининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

хўжалик жамиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва узил-кесил тугатиш балансларини тасдиқлаш, хўжалик жамияти фойдасини тақсимлаш.

6. Ушбу Тартибнинг 5-бандида кўрсатилмаган масалалар бўйича Жамият вакили қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади.

III. Жамият билан масалаларни келишиш тартиби

7. Ушбу Тартибнинг 5-бандида назарда тутилган масалалар бўйича кўрсатмалар олиш учун Жамият вакили кузатув кенгашининг ёки акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг бўлажак мажлиси санаси белгиланганидан кейин уч кундан кечиктирмай Жамиятга ёзма хабар, шунингдек кун тартибидаги масалалар бўйича зарур ахборот ва мазкур масалалар бўйича овоз бериш тартиби юзасидан ўз таклифларини юборади.

8. Агар кузатув кенгашининг, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг кун тартибига жамиятнинг соф фойдасини ёки унинг бир қисмини техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, реконструкция қилишга, асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга туширишга ёхуд Жамиятнинг бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига йўналтириш тўғрисидаги масала киритилган бўлса, Жамият вакили томонидан Жамиятга мазкур харажатларнинг зарурлигини ва улардан

фойдаланишнинг пировард натижасини асословчи ахборот (бизнес-режа ёки бошқа ахборот) ҳам тақдим этилади.

9. Зарурат бўлганда ижро этувчи орган мажлис чакиради, унда кузатув кенгаши мажлиси ва акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар ҳамда улар бўйича овоз бериш тартиби муҳокама қилинади, мажлис якунлари бўйича кўрсатма расмийлаштирилади, кўрсатма мажлисда иштирок этган шахслар томонидан имзоланади.

10. Жамият ёзма хабар олинган санадан эътиборан 5 кундан кечиктирмай (бирок кузатув кенгаши мажлиси, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан кечиктирмай) мазкур Тартибда назарда тутилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби тўғрисидаги кўрсатмаларни Жамият вакилига юборади.

11. Жамият вакилига юбориладиган кўрсатмалар Жамият раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

12. Агар кузатув кенгашининг мажлиси, акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилиши ўтказилмаган бўлса, берилган кўрсатмалар, агар Жамият вакили томонидан берилган кўрсатмаларни қайта кўриб чиқиш заруриятини келтириб чиқарадиган ҳолатлар ва фактларнинг ўзгариши тўғрисида ахборот киритилмаса, кузатув кенгашининг кўчирилган мажлиси, акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар ўз кучини сақлаб қолади.

13. Агар ушбу Тартибда белгиланган муддатларда кун тартибидаги масалалар бўйича кўрсатмалар олинмаган бўлса, Жамият вакили кузатув кенгашининг ёки акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг мажлисида иштирок этмайди.

14. Жамият вакили кузатув кенгаши мажлиси, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши ўтказилгандан кейин 15 кун ичида Жамиятга (Акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлимига) кузатув кенгаши мажлиси, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши баённомасининг нусхасини тақдим этади.

15. Кузатув кенгаши, акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилиши томонидан олинган кўрсатмага зид қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият уч иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда Жамият вакилини хабардор қилади.

16. Жамият кўрсатиб ўтилган хабарномани олган вақтдан бошлаб бир ҳафта муддатда Жамият вакилига унинг кейинги ҳаракатлари тўғрисида кўрсатмалар юборади.

17. Жамият вакили унга кўрсатмаларда берилганидан бошқача қарор учун овоз берган тақдирда, жамият вакили қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

18. Агар кузатув кенгаши таркибига Жамиятнинг бошқа вакиллари ҳам кирса, улар кун тартибидаги келишилиши шарт бўлган масалалар бўйича овоз беришда Жамият томонидан тақдим этилган кўрсатмаларга амал қилишлари керак.

19. Жамият вакилларида келиб тушадиган хабарлар, шунингдек овоз бериш тартиби бўйича юборилган кўрсатмаларнинг алоҳида ҳисобини юритади.

IV. Якунловчи қоидалар

20. Мазкур Тартибнинг бажарилишини назорат қилиш ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

21. Мазкур Тартибнинг назорат натижалари тўғрисидаги маълумотларга ички аудит хизматининг ҳисоботи киритилади.

22. Ушбу Тартиб талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.